

Товарларни (максулот) етказиб бериш
16 -Б сонли ШАРТНОМАСИ

Навоий шаҳри

«10» январь 2022 йил

«Навоий Дори-Дармон» акциядорлик жамияти, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритиладиган, номидан Устав асосида иш кўрувчи, бошқарув раиси Г.Р. Орзиев. бир томондан ва

Гурбонд Бештоди доимий саломат тарбиёти тифси,
(Ташкилот, муассаса, корхона, фирманинг ташкилий-хуқукий тузилиши ва тулиқ номи)
бундан буён матнда «Сотиб оловчичи» деб аталувчи, номидан Уставга (низом) асосан фаолият

кўрсатувчи

Бош қўзиги: У.М. Г. Нуржонбиров иккинчи томондан
(Раҳбарнинг ласозими ва исми-шарифи, насаби)

кўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди:

1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» «Сотиб оловчичи»нинг буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3953-сонли Карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган холда 15.11.2019 й. тасдикланган “Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид килинадиган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмлар» Руйхатига асосан дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни етказиб беришни, «Сотиб оловчичи» эса уларни қабул қилиб олиш хамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Шартноманинг умумий баҳоси 6263 815 (Деми милион шумар 8
миллион ун шинч салми юз ўн десен) — — — сўм
(ракамлар ва сўз билан шартнома баҳоси курсатилиши лозим)
етиб белгиланади, бу суммага транспорт харажатлари кирмайди.

2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ. МАХСУЛОТ СИФАТИ

2.1. «Сотиб оловчичи»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган хамда сифат сертификатига эга бўлган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни, бундан кейин матнда «Товарлар» деб номланади, етказиб беради.

2.2. Товарлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида тузилган Спецификация асосида сотилади, ушбу Спецификация шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

2.3 Товарлар, тарафларнинг оғзаки келишувига кўра «Сотувчи» нинг транспортида «Сотиб оловчичи»нинг манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.

2.4. «Сотиб оловчичи» «Сотувчи» га етказиб берилган Товарлар хақини ўз вақтида тўлайди.

3.МАХСУЛОТНИ ЖЎНАТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. «Сотиб оловчичи» шартноманинг умумий баҳоси ёки бир ойлик буюртма баҳосининг 30 % толовини олдиндан тўлаб берган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунида «Сотиб оловчичи»га Товарларни беради.

3.2. Товарларни етказиб бериш «Сотувчи» омборидан «Сотиб оловчичи»га топшириш йўли билан амалга оширилади. Товарларни топшириш санаси этиб ҳисоб-фактура (накладной)нинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва имзолangan санаси хисобланади.

3.3. «Сотиб оловчичи» Товарларни ўз транспортида олиб кетади. Товарларни юклаш ва жўнатиш билан боғлик барча харажатлар «Сотиб оловчичи»нинг зиммасига юклатилади.

3.4. «Сотиб оловчичи» гиёхванд воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сотиб олишда уларнинг муомаласи билан боғлик фаолият учун олинган тегишли маҳсус рухсатномалари (лицензия нусҳаси ва ички ишлар органининг маҳсус рухсатномаси)ни такдим этиши шарт. Иш жараёнида, заруриятдан келиб чиқкан ҳолда, тарафларнинг оғзаки келишувига кўра мазкур тоифадаги Товарлар «Сотувчи» нинг транспортида «Сотиб оловчичи»нинг манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.

4.ХИСОБ – КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. «Сотиб оловчичи» щартноманинг умумий баҳоси ёки Товарларни бир ойлик буюртма баҳосидан 30 % олдиндан тўлагандан сўнг «Сотувчи» томонидан товарлар берилиши, қолган 70 % суммани «Сотиб оловчичи» товарлар олган санадан бошлаб, олган ойининг охирги санасига кадар тўлаб бериши шарт.